

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЗОҲЛИ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЗМУНИ

**Омонбоева Нурсауле Еркин қизи**

Навоний давлат педагогика институти тадқиқотчиси

***Аннотация:** Ушбу мақолада қозоқ тилидаги умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида изоҳли луғатлардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:** таълим, изоҳли ўқув луғати, лексикография, талаффуз, имло, фразеологик луғат, параминеологик луғат.*

***Аннотация:** В данной статье представлена информация об использовании толковых словарей в начальных классах школ с общим средним образованием на казахском языке и мерах по их совершенствованию*

***Ключевые слова:** образование, толковый учебный словарь, лексикография, произношение, орфография, фразеологический словарь, параминологический словарь.*

***Abstract:** This article provides information on the use of explanatory dictionaries in the elementary grades of schools with general secondary education in the Kazakh language and measures to improve them*

***Key words:** education, explanatory educational dictionary, lexicography, pronunciation, spelling, phraseological dictionary, paramineological dictionary.*

Маълумки, бошланғич таълимда ўқув луғатларининг муҳим вазифаларидан бири тилни меъёрлаштириш, адабий тил қоидаларини белгилашдан иборат. Ўтган аср бошларида миллат зиёлилари томонидан халқнинг саводхонлик даражасини ошириш мақсадида ёзув масаласини ҳал этиш ўз даврининг муҳим масаласи сифатида кун тартибига қўйилади. 1921 йил январда жадидлар ташаббуси билан Тошкентда тил-имло масаласига бағишланган биринчи ўлка курултойи бўлиб ўтади. Курултойда А.Зоҳирий, Фитрат, Боту каби маърифатпарвар жадидлар фаол иштирок этиб, алифбо ва имло масалалари, ўзлашма сўзларни ўзбекчалаштириш каби даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади.

Кейинчалик ҳарф ва имло масаласида катта камчиликлар кўзга ташланиб қолади ва араб ёзуви асосланган ўзбек ёзуvidан лотин графикасидаги ўзбек ёзувига ўтиш масаласи кун тартибига чиқади. Натижада 1929 йилда Самарқандда бўлиб ўтган тил-имло конференциясида ислоҳ қилинган араб ёзуvidан лотин графикасидаги янги ўзбек ёзувига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинади<sup>1</sup>. 1930 йилдан расман араб алифбосидан лотин графикасига ўтилади. Ўзбек тилидаги дастлабки имло луғатлари айнан шу даврларда юзага келади. 1981 йилда нашр этилган “Ўзбек тили лексикологияси” китобида келтирилишича, ўзбек тилидаги илк имло луғати 1927 йилда Тошкентда А.Алавий томонидан нашр этилади<sup>2</sup>.

Орадан қисқа муддат ўтиб шўро ҳокимиятининг ягона умумий тил ва ёзув сиёсати манфаатидан келиб чиқиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосидаги айрим камчиликлар сабаб қилиб кўрсатилган ҳолда рус графикасига ўтиш масаласи кун тартибига қўйила бошлайди. 1940 йилнинг 8 майида рус графикасига асосланган ўзбек ёзувига ўтилади. 1940 йилнинг 10 июлида янги алифбога асосланган имло қоидалари тасдиқланади. Ушбу имлони такомиллаштириш ва оммалаштириш мақсадида 1947 йилда Ўз ФА Тил ва адабиёт институти ҳузурида махсус орфография комиссияси тузилади. Имло қоидалари 1952 йил май ойидан 1953 йилнинг ноябрига қадар ҳайъат томонидан тўрт марта қайта ишланади. 1955 йилда имло қоидалари рисола ҳолида чоп этилади. 1956 йилнинг 4 апрелида “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” тасдиқланади<sup>3</sup>.

Шу даврга қадар яратилган ўқув луғати, асосан, таржима луғати типига мансуб, рус тилини ўргатиш учун хизмат қилган бўлса, 1940 йилдан ёзма саводхонликни таъминлаш, миллий мактабда кирилл ёзувига асосланган адабий тил меъёрларини ўргатиш учун хизмат қилувчи имло луғатини нашр этиш заруратга айланади. Айнан шу даврдан мактаб дарслик ва қўлланмалари сирасида “мактаб ўқувчилари учун” белгиси остида нашр этилган луғатлар, хусусан, имло луғати ҳам пайдо бўла бошлайди. Шу серия остида бир пайтда бир неча муаллиф томонидан имло ўқув луғатининг яратилгани ҳукумат томонидан масаланинг нақадар жиддий қўйилганидан далолат беради.

Ўзбек тилида кирилл ёзувида яратилган имло луғатларининг илк нашрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.Иброҳимов (1905-1974) номи

билан боғлиқ. 1929 йилда Самарқандда Биринчи тил-имло анжумани бўлиб ўтади. Ушбу анжуманда адабий тил, имло масалалари кун тартибига жиддий қўйилади. Шу йили С.Иброҳимовга Ўзбекистон Давлат нашриётига адабий муҳаррирлик топширилади. 1934-1937 йилларда С.Иброҳимов Янги алифбо ва терминология қўмитасида бўлим мудури бўлиб фаолият кўрсатади. Унинг шу йилларда тил, имло ва термин масалаларида қатор мақолалари эълон қилинади<sup>1</sup>. Олим 1932 йилда М.Раҳмон ва А.Хўжахонов билан бирга биринчи “Ўзбек тилининг қисқача имло луғати”ни нашр эттиради. Бу луғат кейинчалик “Ўзбек тилининг имло луғати” (1933, 1935, 1939) номи билан кенгайтирилган ҳолда қайта-қайта нашр этилади. 1936 йилда ушбу луғат асосида мактаб ўқувчиси учун мўлжалланган “Қисқача имло луғати” нашр этилади. Кирилл ёзувига тўла ўтилгандан сўнг, 1956 йилда ўзбек тилининг кирилл ёзувидаги асосий имло қоидалари тасдиқланади ва шу йилда мазкур луғат тўлдирилган ҳолда қайта нашр қилинади.

С.Иброҳимов нафақат мактаб ўқувчиси учун яратилган имло, балки илк синоним луғатининг ҳам муаллифи эди. Унинг 1939 йилда “Мактаб ўқувчилари учун” сериясида нашр этилган “Ўзбек тилининг синонимлар луғати” ҳам ўқув луғатининг мукамал намуналаридан ҳисобланган.

Шунингдек, ушбу даврда “Ўрта мактаб ўқувчилари учун” сериясида нашр этилган ўқув луғати намунаси сифатида Й.Абдуллаевнинг 1964 йилда нашр этилган “Имло луғати”ни ҳам келтириш ўринли. Й.Абдуллаев ўз даврида мактаб дастур, дарслик ва қўлланмаларининг асосий муаллифидан бири бўлган. Унинг “Диктант турлари ва орфографик хатолар устида ишлаш” (1951), “Мактабда ягона орфография ва нутқ режими” (1953), “Ўзбек тили дарслиги” (А.К.Боровков, З.Маъруфов ва Т.Шермухаммедовлар билан ҳаммуаллифликда, 1957), “Эски ўзбек мактабларида хат-савод ўргатиш” (1962) номли китоблари бунинг ёрқин далили. Й.Абдуллаевнинг 1970 йилда ҳаммуаллифликда нашр этилган имло ўқув луғати<sup>2</sup> бир неча йиллар давомида мактаб ўқувчиларининг ёзма саводхонлигини оширишда муҳим ўқув воситаси вазифасини бажариб келади.

Ўз даврида ўзбек тили илмий меъёрлари, хусусан, имло қоидаларини ишлаб чиқиш ва имло луғатларини тузишда таниқли олим, тилшунос, педагог Ф.Камоловнинг ҳам хизмати катта бўлади. Ф.Камолов (1907-1966) ўтган асрнинг 30-йилларида бошланғич ва ўрта мактаблар учун яратилган она тили дарслик ва дастурларининг асосий муаллифларидан. У “1940 йилда рус графикаси асосида

тузилган янги ўзбек алфавитига текст намуналари тузди, орфография қоидаларини ишлаб чиқди. Шу даврдан бошлаб умрининг охиригача ўзбек орфографиясини такомиллаштиришда етакчи мутахассис бўлиб қолди: бу йилларда олим бошчилигида ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди, ўзбек тилининг қисқача имло луғати тузилди”<sup>1</sup>. Унинг “Латинлашган янги ўзбек алфавити” (1929), 1-3-синфлар учун “Орфографик машқлар тўплами” (1935), “Мактабларда имло ўқитиш методикасидан қўлланма” (1937), 1-2-синфлар учун “Грамматика ва орфография (1938), “Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавити (1940), “Ўзбек адабий тилининг ягона орфографияси” (1940), “Ягона ўзбек орфографияси билан қисқача имло луғати” (1940), “Ўзбек орфографияси тўғрисида” (1957), “Ўзбек орфографиясининг қисқача луғати” (1962) каби қатор дарслик ва қўлланмалари ўз даврида халқ саводхонлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ф.Камоловнинг 1940 йилда нашр этилган “Ягона ўзбек орфографияси билан қисқача имло луғати” ҳамда З.Маъруфов билан ҳаммуаллифликда 1962 йилда нашр этилган “Ўзбек тилининг қисқача имло луғати” мактабларда адабий тилнинг имло меъёрларини ўқитишда асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

Шунингдек, ўтган аср бошларида халқимизнинг умумий саводхонлигини ошириш, ёзма нутқ меъёрларини шакллантириш ва оммалаштиришда ўзбек тилшунослигининг етук вакиллари билан бири О.Усмонов ҳам муносиб ҳисса қўшади. Унинг ўзбек ёзувини ривожлантириш, жумладан, рус графикаси асосидаги янги алифбога ўтишда ҳамда ўзбек орфографиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда хизмати беқиёс катта. О.Усмоновнинг 1940 ва 1949 йилларда нашр этилган “Ўзбек тилининг имло луғати” ҳам айнан бошланғич мактаблар учун яратилади. Мазкур луғатга “Муҳим имло қоидалари” номи билан орфография қоидалари ҳам илова қилинади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Turdiyeva K., Ahmedova D. O‘zbek tili (tibbiyot institutlarining rus guruhleri talabalari uchun darslik). –Toshkent: Musiqa, 2007.
2. Лафасов Ў., Исмоилов А., Мадвалиев А. Ўзбек тили (университет ва институтларнинг бакалавр мутахассислиги русийзабон гуруҳлари учун дарслик). –Тошкент, 2008.
3. Умарова Ф. Русийзабон ўқувчиларнинг нутқини кўмакчили бирикмалар воситасида бойитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1998.
4. Тошхўжаева Д. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент, 2000.
5. Муҳаммаджонова Г. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2003.
6. Дадажоновна Н. Ўзбек тили таълими жараёнида олий ўқув юртларининг нофилологик ихтисосликларида ўқийдиган талабаларнинг нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1996.